
Яна 15 нафар ўқувчи депутат стипендиясига эга бўлди

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Халқ депутатлари Риштон тумани Кенгаши депутати Бахтиёр Тўйчиев ташаббуси билан ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун стипендия таъсис этилганди. Кеча 26-умумий ўрта таълим мактабининг 15 нафар ўқувчиси тақдирланган эди. Бугун худди шундай тадбир 11-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўтказилди.

Бугунги тадбирда депутат томонидан иккинчи чорак давомида синфлар ўртасида энг юқори натижаларга эришган 15 нафар ўқувчига фахрий ёрлик ва уларнинг 5 нафарига пул мукофотлари топширилди.

Тақдирлаш маросимида туман ҳокими С. Солиев, туман ҳокими ўринбосари З. Умаров, Қошқайрон МФЙ раиси Н. Жаҳонов, мактаб жамоаси, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими барчани кириб келаётган янги йил билан табриклар экан,

мактаб жамоаси ва ота-оналар номидан ушбу хайрли ишда бош бўлган депутатга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Ўз навбатида Бахтиёр Тўйчиев депутат стипендияси келгуси йилнинг май ойида берилиши маълум қилди ва ўқувчилар аъло баҳоларга ўқишга ҳамда ўзининг намунали хулқи билан бошқаларга ибрат бўлишга чақирди.

2021-12-25 14:35:34